

*Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!*

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan
zarafshonbot
Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг
2021-yil 3-aprel, shanba, 39 (23.475)-son


**Кун ҳикмати**

Маънавият ўз-ўзидан шаклланмайди, уни турмуш тарзига айлантириш, ҳар куни машқ қилиш лозим.

# МАСАЛА ПИШИҚ ТАЙЁРЛАНСА, саволга ўрин қолмайди

**2 апрель куни ўтказилган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг йигирма еттинчи сессияси асосий хулосаси шундай бўлди. Сессия ишини вилоят ҳокими, Кенгаш раиси Э.Турдимов бошқарди.**

### ЕТИМ БОЛАЛАРНИ ДЕПУТАТЛАР ҲАМ ОТАЛИҚҚА ОЛМОҚЧИ

Сессия кун тартибига кўра, дастлаб вилоятда ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган, "Меҳрибонлик" уйларида тарбияланган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Х.Очиловнинг ҳисоботи эшитилди.

Ҳоким ўринбосарининг айтишича, вилоятда васийлик ва ҳомийлик органлари ҳисобида 18 ёшгача бўлган 5148 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳисобга олинган. Уларнинг 2912 нафарига васийлик, 998 нафарига ҳомийлик тайинланган. 1209 нафари фарзандликка, 29 нафари оилага тарбиялаш патронатга берилган.

Бугунги кунда 99 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларни уй-жой билан таъминлаш масаласи мавжуд. Уларнинг 59 нафари (Самарқанд шаҳрида 45, Жомбойда 4, Пайариқда 3, Булунғур ва Ургутда 2 нафар, Нарпай, Паст Дарғом, Тойлоқда 1 нафардан) амалдаги тартибда уй-жойга муҳтож сифатида туман (шаҳар) ҳокимликларида навбатга олинган, қолган 40 нафарининг ҳужжатлари расмийлаштирилмоқда.

Х.Очилов етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор таклифларни ҳам билдирди. Жумладан, уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида 1-сонли Меҳрибонлик уйида маҳаллий бюджет захира маблағлари ҳисобидан электромонтаж ва сантехника йўналишида ўқув устахона қуриш ва жиҳозлаш, уй-жой билан таъминлаш, Меҳрибонлик уйида тарбияланган ёшларнинг доимий бандлигини таъминлаш, Меҳрибонлик уйини "Болалар шаҳарчаси"га айлантириш ва тарбияланувчиларни оила бўлиб истиқомат қилишлари учун шароит яратиш, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни тарбиялаш учун оилалар (патронат)га бериш бўйича таклифлар қўллаб-қувватланди.

Депутат Г.Қўчқорова ота-онасиз, етим қизлардан бирини ўз қарамоғига олиб, касб-ҳунар ўргатиш, уй-жой билан таъминлаш ташаббусини билдирди. Яна бир депутат Ҳ.Ўроқов ҳам бир нафар тарбияланувчи учун уй-жой қуриб беришини айтди.

### ҲИСОБОТЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ

Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи С.Махмарахимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ҳисобот берди.

Таъкидланишича, ушбу фармон асосида вилоятда 68 та давлат активлари хусусийлаштирилиши белгиланган бўлиб, ҳозиргача 52 таси аукцион савдоларига чиқарилиб, 31 таси 69 миллиард сўмга сотилган.

Алоҳида ёндашув асосида хусусийлаштирилиши белгиланган 14 та активлар, яъни 10 та газета ва нашриёт корхоналар, 2 та ахборот технологиялари ва компьютер хизматлари кўрсатиш марказлари, 2 тиббиёт муассасаси (Каттақўрғон шаҳар ва Тойлоқ туман стоматология поликлиникаси) бўйича корхоналар фаолият турини сақлаб қолиш шарти билан, биринчи навбатда, меҳнат жамоасига сотиб олишни таклиф этиш юзасидан тегишли таклифлар давлат активларини бошқариш агентлигига тақдим этилган.

Вилоятдаги 58 та бозорлар ва савдо комплексларини юқоридаги фармонга асосан бошқарув тизимини такомиллаштириш ва уларни босқичма-босқич хусусийлаштириш белгиланган ва ҳозирда уларнинг мулкий, ҳуқуқий ва молиявий муаммолари ўрганилмоқда.

Ўтган сессияда давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 24 февралдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг вилоят бошқармаси бошлиғи Ш.Рўзиқулов, Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси раҳбари Ф.Худойқулов ҳамда вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ф.Ахмеджановларнинг ҳисоботи пухта тайёрланмагани учун қабул қилинмаган ва кейинги сессияларда қайта эшитишга қарор қилинганди.

Бу гал мутасаддилар Ургут тумани Вағашти маҳалла фуқаролар йиғини мисолида фармон ижроси юзасидан амалга оширилган хатлов натижалари ҳақида маълумот берди.

Қайд этилишича, хатлов натижасида маҳаллада 527 та кўчмас объектида 36 гектар ер майдони ортиқча эгаллanganлиги, 141 та уй-жойда мулк қиймати 4009,9 миллион сўмга кам белгиланганлиги аниқланган. Шундан, 10 гектар ер майдони ва 1 миллиард 805 миллион сўмлик мулкдан иборат қўшимча 37 та турар жой объектлари аниқланди. Мазкур объектларга охирги 5 йил учун 1801,1 миллион сўм солиқ қўшимча ҳисобланди.

### МАСАЛАЛАР ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИЛГАН

Сессия муҳокамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармонининг ижроси ҳақидаги, "Ҳудудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиали директори О.Исоқуловнинг 2021 йил 26 февралдаги "Вилоятда табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ҳисоботлари белгиланган тартибда дастлаб тегишли доимий комиссияларда кўриб чиқилиб, муҳокама этилгани таъкидланди. Шу боис депутатлар бу ҳақда масъулларнинг ҳисоботини эшитмасдан, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирган ҳолда қарор қабул қилдилар.

Вилоят ҳудудларида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" асосида амалга оширилаётган ишлар тизимли йўлга қўйилмаган секторлар раҳбарларининг ҳисоботлари тўғрисидаги масала юзасидан аниқ тўхтамга келинмагани, бу борада ҳали ўрганиш ишлари олиб борилиши лозимлиги туфайли бу масала кейинги сессияларда муҳокама этилиши белгиланди.

Сессияда Кенгаш ваколатига тааллуқли бир қатор масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.



# ФАНАТ Қаҳрамонов

**Токио Олимпиадаси йўлланмасини олган самарқандлик биринчи спортчи**

**Фанат Қаҳрамонов 1996 йилда Паст Дарғом тумани Гулобод маҳалласида туғилган.**

**Хушхабар**

**Ёшлигидан боксга бўлган қизиқиш уни катта мусобақаларга етаклади. Мураббийи Баҳодир Ҳасанов қўл остида 7 йилдан буён Самарқанд вилояти спорт якка кураши бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида шуғулланиб келмоқда.**

Ҳозирда у икки карра Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақалар ғолиби ва совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси ҳисобланади.

- Халқаро мусобақаларда тўплаган очколари натижасида Фанатга Олимпиада йўлланмаси берилди, - дейди вилоят бокс федерацияси ижрочи директори Б.Ҳасанов. – Халқаро ҳакамлар кейинги икки йил давомида Ф.Қаҳрамоновнинг жангларини ҳисоблаб чиқди ва шундай хулосага келишди. У охирги жаҳон чемпионатида, қитъа лицензияси учун турнирда энг юқори рейтинг очко олганди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов Ф.Қаҳрамонов ва унинг мураббийини табриклаб, эсдалик совғалари билан тақдирлади.

**Ҳусан ЭЛТОЕВ.**

# Қурилиш учун малакали мутахассислар тайёрланади




**Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 25 январдаги "Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, Самарқанд қурилиш коллежининг қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази ташкил этилди.**

Марказ Паст Дарғом тумани Кимёгарлар маҳалласи ҳудудида жойлашган собиқ "Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейи биносида фаолият бошлади. Бу ерда 12 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилиб, марказ касб-ҳунар ўқитишга мослаштирилди. 450 ўринга мўлжалланган ўқув ва амалиёт хоналари, ошхона, ётоқхона ташкил этилди.

Марказнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Э.Турдимов ва бошқа масъуллар иштирок этиб, бу ерда хорижга ишга бормоқчи бўлган ёки юртимизда қурилиш соҳасида ишлаш ниятидаги ёшларга ички ва ташқи меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 14 касб ўқитилишини таъкидлади.

Туман, шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан ишсиз сифатида рўйхатга олиниб, йўлланма асосида марказга ўқишга қабул қилинган фуқароларга ҳар ойда 560 минг сўмдан стипендия тўлаб берилади. Ўқиш уч ой давом этади ва битирувчиларга хориж давлатларида ҳам тан олинадиган, тегишли касб малакасига эгаликни тасдиқловчи сертификат берилади.

Эътиборлиси, марказда ўқиш давомида тингловчиларга хорижий тиллар ҳам ўргатилади.

**Самарқанд шаҳридаги поликлиникаларда коронавирусга қарши эмлаш жараёнининг илк босқичи бошланди. Ҳозирча 65 ёшдан юқори бўлган аҳолини қамраб олиш режалаштирилган.**

# Эмлаш фақат вилоят марказларида бошланди



- Ҳудудимизда 4511 нафар 65 ёшдан юқори бўлган аҳоли рўйхатга олинган, - дейди Самарқанд шаҳридаги 4-оилавий поликлиника бош врачи ўринбосари Саодат Акрамова. – Монелиги бўлмаган, яъни иситма қилмаётган, сурункали хасталиги хуруж қилмаган, аллергик реакция кузатилмаган фуқароларгина эмланиши мумкин. Ҳар бир фуқаро тўлиқ врач назоратидан ўтгач, эмлаш хонасига олиб кирилади. Эмланган фуқароларга зарур тавсиялар беряпмиз.

Айни пайтда вилоятда битта марказий, 16 та ҳудудий туман (шаҳар) вакцина сақлаш омборхоналари, улардаги совуткичлар, электрогенераторлар, термосумкалар ва термоконтейнерлар шай ҳолатга келтирилган.

- Эмлаш ишларини амалга ошириш учун 411 та эмлаш пунктларида 180 та қўшимча хона ва 186 та ҳаракатдаги бригадалар ташкил этилди, - дейди вилоят санитария-эпидемилогик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси ходими Шоира Халилова. - Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббий бўғини ходимлари, эмлаш жараёнида қатнашадиган 367 нафар врач ҳамда 724 нафар ўрта тиббиёт ходимлари махсус дастур бўйича ўқитилди. Кейинги босқичларда, яъни май-июнь ойларидан туман марказларидаги поликлиникаларда ҳам эмлаш ишлари бошланади. Навбати билан кекса ёшдаги кишилар ҳамда тиббиёт ходимлари, сурункали хасталиклари бор кишилар, таълим соҳаси ходимлари эмланади.

Маълумот учун айтиш мумкинки, вилоятга COVAX дастури асосида Ҳиндистонда ишлаб чиқилган 69 минг дона «Ковишилд» вакцинаси келтирилди. Шунингдек, Хитойнинг Ayhui Zhifei Longcom компанияси ва ўзбек олимлари биргаликда ишлаб чиқарган 65 минг 200 дона янги рекомбинат ZF-UZ-VAK 2001 вакцинаси мавжуд.

**Ўз мухбиримиз.**

**Матбуот анжуманидан**

# КРЕДИТ – ҚАРЗ

## Уни олаётганингизда қайтариш кераклигини унутманг

**Шерзод Сувонқулов, Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари:**



– Президентимиз томонидан 2020 йил 13 октябрда "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилишда аввало, уларнинг тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича ўқитиш тизимини жорий этиш белгиланган.

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар, белгиланган талаблар асосида ташкил этилган ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаб, сертификат олган шахсларга банклар томонидан жисмоний шахслар 33 миллион сўмгача (таъминотсиз), микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга 225 миллион сўмгача (таъминот турларидан бири асосида) микрокредит ажратилади.

Бугунги кунга қадар ўқув курсларида 996 нафар ёшлар ва хотин-қизлар ўқиб, сертификат олган. Бу фуқароларнинг 118 нафарига 2 миллиард 658 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Умуман, жорий йилнинг ўтган даврида 4693 нафар мижозга 118 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шундан 2314 нафар мижозга ажратилган 53 миллиард сўм кредит ёки жами имтиёзли кредитларнинг 44 фоизи ёшларга ажратилган кредит ҳиссасига тўғри келади.

Жорий йилда ажратилиши кўзда тутилаётган 866 миллиард сўм кредитнинг 390 миллиард сўми, яъни 45 фоизи аввалги берилган кредитларнинг сўндирилиши ҳисобига амалга оширилиши керак. Аммо бугунги кунда вилоят бўйича 7803 нафар мижознинг кредитдан ўз муддатида тўланмаган 28 миллиард сўм қарздорлиги мавжуд.

Олинаётган кредитларнинг мақсадли ишлатилишида ҳам муаммолар учрамоқда. Биргина, жорий йилнинг дастлабки икки ойида 1454 нафар мижозга ажратилган 35 миллиард сўмлик кредитларнинг мақсадли ишлатилиши тегишли ишчи гуруҳ томонидан ўрганилганда, 163 ҳолатда 3,5 миллиард сўм кредит мақсадли ишлатилмаганлиги аниқланди.




Нарпай

«« Бир келиб кетинг, қишлоғимизга »»

## “Умид”нинг орзу-умидлари «КАТТА»лардан

**Нарпай туманида 57 маҳалла мавжуд бўлиб, бор-йўғи 2 таси, яъни Ҳақиқат ва Мушкент маҳалла фуқаролар йиғинлари ижарада фаолият олиб боради. Бу ҳақда туман ҳокимлигидан олинган маълумотномадан билиб олдик.**



### “УМИД” ИЖАРАДА ТУРАДИГАНЛАРНИНГ УЧИНЧИСИМИ?

Туманнинг энг чекка ҳудудида жойлашган Умид маҳалласида 3 та қишлоқ бор. Ҳудуддаги битта мактаб ва бир боғча биноси замонавий. Маҳалла фуқаролар йиғини эса ўз биносига эга эмас, тадбиркорга тегишли пастқам, кўримсиз бинода ижарада туради. Ҳайрон қолдик, ахир туман ҳокимлигидан олинган маълумотда бу ҳақда ёзилмаган эди-ку!?

- Ҳудудимиздаги камчиликлар босқичма-босқич бартараф этилмоқда, - дейди маҳалла раиси Анвар Шарипов. – Бугунги кунда 23 та ички кўчаларимиздан 2 таси тупроқ йўл. Аҳолини тоза ичимлик суви муаммоси қийнаб турибди. Сувни ташиб ичишади. Яқинда туман ҳокими бошчилигида ишчи гуруҳ келиб, муаммоларни ўрганди. Уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Тўғри, ҳозирда маҳалла фуқаролар йиғини ҳам ўз биносига эга эмас. Аммо Мустақиллик байрамигача тадбиркорлар кўмагида, ҳашар йўли билан замонавий бино қурилиши режалаштирилган.

### ОЛТИ ЎҒИЛДА ЕТТИ МУАММОГА ЕЧИМ ТОПИЛЯПТИ

Умид маҳалласининг Олти ўғил қишлоғида тадбиркорлар томонидан замонавий бинолар, иссиқхоналар қурилиши натижасида маҳалла аҳолисининг бир қанча муаммоларига ечим топиляпти.

- Келгусида бу қишлоқ маҳалламиз марказига айланади, - дейди оқсоқол А.Шарипов. – Бугунги кунда ҳудудда сартарошхона, гўзаллик салони, этикдўзлик устахонаси, ҳаммом, савдо ва ўқув марказлари учун бинолар қурилиши якунига етказилмоқда. Бунинг натижасида 50 нафарга яқин ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланади. Фуқаролар йиғини учун қуриладиган замонавий бино ҳам айнан шу ҳудудда жойлашади.

Маҳалла раиси билан қишлоқдаги қурилиш ишларини кўздан кечираётганимизда йўлдан мотокультиватор ҳайдаб кетаётган бир йигит ўтиб қолди.

- Ишсизлигим сабабли “Ёшлар дафтари”да рўйхатга олишганди, - деди у. – Орадан кўп ўтмай маҳалла фаоллари чақириб, мотокультиватор харид қилишни таклиф қилди. Бу техника пулининг ярми субсидия, ярми эса имтиёзли кредит ҳисобига берилиши мен учун катта имконият бўлди. Ҳовлимиздаги мавжуд 7 сотих томорқада ишлашда қўл келяпти. Қолаверса, қўни-қўшниларимизнинг ерларини ҳам ҳайдаб беряпман.

### ҚАРОВСИЗ, ТАШЛАНДИҚ ЕР МАЙДОНИДА ИШЛАР БОШЛАНДИ

Маҳалланинг яна бир қишлоғи Яримтепада қарийб 2 гектар ер шу пайтга қадар қаровсиз, ташландиқ ҳолда эди. Фойдаланилмай келинган бу ер майдони корпоратив ташкил қилган икки тадбиркорга бўлиб берилгач, тош ва чиқиндилардан тозаланди. Текисланиб иссиқхоналар барпо этилди. Бугун бу ерда маҳаллада яшовчи, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” рўйхатига киритилган ишсиз хотин-қизлар меҳнат қилмоқда.

- “Аёллар дафтари”да рўйхатга олингандим, - дейди Наргиза Алқарова. – Иссиқхона қурилгач, бизни бу ерга ишга таклиф қилишди. Ҳар биримизга икки сотихдан ер ажратиб берилди. Бир кунда 3-4 соат ишлаймиз. Рўзғор ишларигаям бемалол улгурамиз.

- Ўн йилдан бери ишсизликдан қийналардим, - дейди “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турувчи Олмахон Алқарова. – Мана энди ишли бўлдим, иссиқхонада экин парваришлашни ўрганяпмиз. 1 миллион сўмга яқин ойлик тўлашяпти. Тадбиркор Анвар Эрбобоевнинг таъкидлашича, ҳосил яхши бўлса, маошимиз яна ошириларди. Қолаверса, у ўз ҳисобидан ҳар биримизга ҳовлимиздан иссиқхона қуриб беришини айтди.



Нарпай туманининг бу чекка ҳудудида бўлиб, кўпгина ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлдик. Аммо маҳалла фуқаролар йиғини биносини бунёд этиш, ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви муаммосини бартараф этиш муҳим эканлигига ҳам амин бўлдик. Шу масалаларда умидликларнинг “катта”лардан умиди катта.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,**
**Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).**

---

**“Баркамол авлод” болалар мактаблари мактаб ўқувчиларини дарсдан бўш вақтларида турли тўгаракларга жалб этади. Ўқувчилар ихтиёрий равишда ўзи ёқтирган тўгаракка қатнашади. Кимдир шахмат сирларини, кимдир бичиш-тикиш, кимдир компьютерда ишлашни ўрганади. Аммо кейинги пайтларда “Баркамол авлод” болалар мактабларига эътибор сусайгандек. Паст Дарғом туманига сафаримиз чоғида тумандаги “Баркамол авлод” болалар мактаби фаолияти билан танишдик.**

## «БАРКАМОЛ АВЛОД» болалар мактаби эътибордан четдами?

- Ўқув биномизнинг сиғими 100 ўринли, мактабимизга 320 нафар ўқувчи қатнайди, - деди мактаб директори Сухроб Умурзоқов. – Туман мактаблари қошида ҳам филиалларимиз бор, 1400 нафар ўқувчини 13 та тўгаракка қамраб олганмиз. Мактабга ўқувчилар икки навбатда, яъни эрталаб ва тушликдан кейин келади. Машғулотлар соат 09:00 да ва 15:00 да бошланади.

Биз тумандаги “Баркамол авлод” болалар мактабига борган чоғимиз эрталабки машғулотлар тугаган экан. Болаларни тўгарак машғулотларида кўрмадик.




### ТЎГАРАК РАҲБАРЛАРИГА ҚАНЧА ИШ ҲАҚИ ТЎЛАНАДИ?

Мактабда 48 нафар ўқитувчи бўлиб, уларнинг асосий қисми ўрта махсус маълумотга эга. Сабаби, “Баркамол авлод” болалар мактаби тўгарак раҳбарларига 1 штат бирлигида 1 миллион 357 минг сўм иш ҳақи тўланади. Олий маълумотли мутахассислар эса бу маошга ишламайди.

### ТЎЛОВ ҚАНЧА?

“Баркамол авлод” болалар мактаби ўқувчилари ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи, яъни 12 минг 350 сўм миқдорида йиғим тўлайди. Фақат кам таъминланган оила фарзандлари, ногиронлиги бўлган болалар ушбу тўловдан озод қилинган. Аммо йиғим пулларини мактаб маъмурияти тўғридан-тўғри ишлата олмайди. Мактаб учун сотиб олинадиган ҳар бир асбоб-ускуна ёки маҳсулот турли қоғозбозликлардан сўнг олинади.

### МАКТАБДА ҚАНДАЙ МУАММО БОР?

Мактаб директорининг айтишича, уч йилдан бери робототехника ва ментал арифметика мутахассиси топилмаяпти. Шунинг учун мактабда ушбу йўналишлар бўйича тўгарак ташкил этилмаган. Лекин ўқишни истовчи талабгорлар бор. Шунингдек, мактабда электр энергияси йўқлиги ва хоналар совуқлигига гувоҳ бўлдик.

### МАҚТАШГА АРЗИРЛИ ЮТУҚЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

2021 йилнинг февраль ойида тўгарак раҳбари Шерали Халилов шахмат бўйича вилоят чемпионатининг ярим финал босқичида ғолиб бўлди.

Шунингдек, ёш шахматчилардан – Муроджон Раҳмонқулов, Азиза Азимова, Жафар Қўчқоров, Камрон Сайфуллаевлар ҳам ушбу мусобақада ғолибликка сазовор бўлди.

*Президентимизнинг 2019 йил 30 сентябрда қабул қилинган “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2024 йилга қадар “Баркамол авлод” болалар мактабининг жами тўгарак раҳбарлари сонига нисбатан 50 фоиз олий маълумотли мутахассислар билан тўлдирилиши белгиланган. Мазкур қарорга кўра, бу ердаги ўқувчилар сони умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар сонининг 10,5 фоизини ташкил этиши кўзда тутилган. Шунингдек, эксперимент тариқасида ҳар бир туманда битта умумий ўрта таълим мактабларида “Баркамол авлод” болалар мактабларининг тармоқ тўгараклари ташкил этилиши белгиланган.*

*Бугун Паст Дарғом туманида 127 та мактабда 66 минг 873 нафар ўқувчи таҳсил олади. Тумандаги “Баркамол авлод” болалар мактабига ўқувчилар қамрови 10,5 фоиз бўлиши учун умумтаълим мактабларидан 7 мингдан ортиқ бола қатнаши керак. Атиги 100 ўринга эга “Баркамол авлод” болалар мактаби табиийки, бундай қувватга эга эмас. 2024 йилга қадар ўқувчилар сонининг ортишини ҳисобга олсак, Президент қарорининг ижросини таъминлаш учун туманда янги, замонавий ва кенг сиғимга эга “Баркамол авлод” болалар мактаби қурилиши лозим. Аммо буни ким ва қачон қилади?*

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА.**

---

**Самарқандда чаноқ-сон ва тизза бўғимларини эндопротезлаш бўйича жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Республика ихтисослаштирилган травмотология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Муроджон Ирисметов бошчилигидаги шифокорлар томонидан ўтказилаётган жарроҳлик амалиётининг аҳамиятли томони шундаки, у ижтимоий ҳимояга муҳтож, қаровчисиз ва ногиронлиги сабабли «Темир дафтар»га киритилган, таянч ҳаракатида патологиялари бор 35 нафар бемор учун бепул ўтказилмоқда.**

## «Темир дафтар»даги беморлар даволанмоқда

**Пойтахтдан келган шифокорлар томонидан таянч-ҳаракат тизимида нуқсони бўлган фуқароларга каминвазивли жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб, уларнинг келгусида тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун имкон яратилмоқда. Шунингдек, улар томонидан самарқандлик травматолог шифокорларга маҳорат машғулотлари ўтказилиб, назарий билим берилди.**

- Ўрта Осиё мамлакатлари аҳолиси орасида туғма сон чиқиши кўп учрайди, - дейди Республика ихтисослаштирилган травмотология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали директори ўринбосари Маъруф Қодиров. - Ўз вақтида даволанмаса, йиллар ўтиб асоратини қолдиради, ҳатто ногиронликка олиб келади. Шунингдек, турли йилларда жароҳат олиб, ўз вақтида тўғри даволанмаслик оқибатида бўғимлар емирилиши ҳолати ҳам ҳаракатдаги нуқсонларга олиб келади. Ушбу жарроҳлик амалиётлари бир неча йилдирки, марказ шифокорлари томонидан амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, филиалимизда йилига 250 га яқин эндопротезлар қўйилади, шунингдек, юзлаб умуртқа поғонаси нуқсонларида мураккаб жарроҳлик амалиётлари, бўғимлар артроскопияси, узун ва калта найсимон суяклар синишларида замонавий блокловчи интрамедулляр остеосинтез амалиётлари ҳам бажарилади. Бу шунча инсонлар ногиронлигининг олди олинди, деганидир.

- Болалигимда сонларнинг туғма чиқиши хасталиги билан оғриганман, - дейди Самарқанд шаҳридаги Зиёкорлар маҳалласида яшовчи М.Ҳакимова. – Шифокорларнинг айтишича, ўша пайтда оёқларим кечроқ операция қилинган экан. Шунинг учун йиллар ўтиб асорати билинди ва юришим, эгилишим, умуман, ҳаракатларимда жиддий ўзгариш содир бўлди. Оиламиз кам таъминланган оила, тўрт нафар фарзандим бор, уларни оёққа қўйиб олиш учун ҳали меҳнат қилишим керак. Маҳалламиз фаоллари шуни инобатга олиб, бизни «Темир дафтар»га киритганди. Ҳозир жарроҳлик амалиётига тайёрлашяпти, яхши чиқишидан умидворман.

Албатта, ҳар бир операция ўзига хос мураккаб жараён. Қолаверса, эндопротезлаш жараёнида фақатгина шифокорнинг маҳорати эмас, балки тиббий мослама ҳам муҳим ҳисобланади. Хусусан, эндопротез учун лозим бўлган тиббий мосламанинг ўзи хориждан келтирилиб, ҳар бирининг нархи ўртача 20 миллион сўмни ташкил қилади. «Темир дафтар»даги аҳоли учун эса бу мосламалар бюджет маблағлари ҳисобидан келтирилмоқда.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**

---

## Миллий мерос туризмини қандай ривожлантириш мумкин?

**Лихтенштейн давлати қироли туризм соҳасидан тушган фойдани ҳисоблаб “Туризм ҳар қандай давлатни бой ва бахтли қилишга қобилиятли”, деган фикрни айтган. Бу бежиз эмас. Туризм тармоғи давлатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиш билан бирга, дунёда жадал ривожланаётган ва юқори даромад келтирувчи соҳалардан бирига айланган.**

Сўнгги йилларда дунё ялпи ички маҳсулотида туризмнинг улуши ўртача 11 фоизни ташкил қилмоқда. Охирги 40 йил давомида бошқа мамлакатларга чиққан туристлар сони деярли 20 баробарга, туризмдан олинган даромад 60 маротаба ошди ва халқаро туризмдан тушган тушумлар 400 миллиард долларни ташкил этмоқда. Туризм соҳаси 200 миллион кишини иш билан таъминлаб келмоқда, бу дунёда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 8 фоизини ташкил қилади.

Мамлакатимизда ички ва халқаро туризмни ривожлантиришда миллий мерос туризмини ташкил қилиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Бунда қишлоқ, туманларимизга дунёнинг ҳар қандай давлатларидан келган туристларни қизиқтириш ва уларни миллий ҳунармандчилик уйларига олиб бориш имконияти яратилади. Бу имконият қишлоқ, экологик-рекреация ва гастрономия туризмларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш, туристларни ноёб миллий маданий мерос объектлари билан кенг таништириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

Миллий мерос туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришда аввало, туристлар жойлашган меҳмонхоналарда миллий мерос бойликлари ҳақида қизиқарли кўрсатувларни доимий бериб бориш, урф-одатлар, анъаналар, ўйинлар, санъат ва маданиятимиз акс этган дискларни чет тилларда ёзиб, каталоглар яратиш, туристларга рангли буклетлар ва ахборотлар тўпламини совға қилиш, миллий мерос объектларига туристик экскурсия маршрутларини ташкил қилиш, улар ҳақида тайёрланган лавҳаларни ташқи рекламаларга жойлаштириш керак.

Шу билан бирга, миллий мерос туризми хизматларига ихтисослашган махсус туристик фирмалар ташкил қилиш лозим.

Туризмнинг янги соҳаларини ва турларини ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш замонамизнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини оширишда муҳим жараёнга айланиб бормоқда. Ўзбекистон миллий туризмининг ҳар қандай соҳасида туризм ресурслари, дам олувчилар гуруҳи, табиат мажмуалари, инфратузилмалар, хизмат кўрсатиш соҳалари, меҳнат ресурслари, ташкилий-иқтисодий ва ташкилий-ахборот тизимлари ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиши уни ривожлантиради.

**Хонқул САМАРОВ,**
**Регистон ансамбли директори.**

---

## АСКУГ – газ ҳисоблагичлари босқичма-босқич ўрнатилади

**Вилоятимизда аҳоли хонадонларига “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизими” – АСКУГ лойиҳаси асосида замонавий онлайн газ ҳисоблагичлари ўрнатилмоқда.**

- Янги ҳисоблагичлар “Ўзсаноатқурилишбанк”АТБнинг 27,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари ҳисобидан Тошкентдаги “Технопарк” МЧЖ томонидан етказиб берилмоқда, - дейди «Hududgaz-Samarqand» АЖ табиий газ ҳисоби ва назоратини автоматлаштириш бўлими бошлиғи Сиддиқ Худойбердиев. – Ҳозиргача Самарқанд шаҳрида 17 минг, Каттақўрғонда 5 минг, бошқа туманларда эса мингтадан зиёд ҳисоблагичлар ўрнатилди. Улар босқичма-босқич «биллинг» тизимига уланмоқда.




**Суратда:** *«Пастдарғомтумангаз» корхонаси бўлим бошлиғи С.Толмасов чилангарлар бригадаси билан навбатдаги хонадонга янги ҳисоблагич ўрнатиш олдидан.*

**Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.**

# ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6186-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларида аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида "Қишлоқ қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2021 йилда "Осиё тараққиёт банки" иштирокида қишлоқ жойларида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари эълон қилади.**

**Тендер савдолари рақами:** 2021-01;

**Тендер савдолари эълон қилинган сана:** 2021 йил 30 март;

**Тендер таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.

**Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари:**

**1-тип:** беш қаватли, бир подъездли, 20 квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

**2-тип:** беш қаватли, уч подъездли, 30 квартирали (2, 3 хонали) уйлар.

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Янги тартибга мувофиқ кўп квартирали уй-жойлар қурилишида рейтинг тизимига кирган «СС» ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган қурилиш ташкилотлари тендер савдоларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

5. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 2-"Д" корпус. Телефон: 66-233-50-76, факс: 66-231-13-51.

6. Тендер ҳужжатлари нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

"______вилояти, ______тумани, _______ массивидаги, ____ лот ____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман" шаклида юқоридаги манзилга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиши лозим.

Тендер ҳужжатлари эълон берилган кундан бошлаб «СС» ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчисининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказининг банк ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган тўлов БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг.

Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган: АТБ «Алоқа банк» Самарқанд филиали, ҳисоб рақам: 20210000803783329001, СТИР: 202427054, МФО: 00985.

**Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

*- юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказига;*

*- таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатигача;*

*- шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача;*

*- тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.*

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

**Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уй.**
**Телефон/факс: 66-233-25-93.**

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК ҳудудий филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Талаб этиладиган молиявий ресурс миқдори (сўм) | Қурилиш малакаси бўйича ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм) | Сўнгги 3 йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м.куб | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м.куб | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м.кв. |
| Беш қаватли, бир подъездли, 20 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 6 000 000 000 | 1 350 000 000 | 3 200 000 000 | 900 | 500 | 900 |
| Беш қаватли, уч подъездли, 30 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 7 500 000 000 | 1 650 000 000 | 4 000 000 000 | 900 | 850 | 1400 |

**Шартнома (лот) лар рўйхати:**

| Лот | Ҳудуд | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Квартира сони | Беш қаватли, бир подъездли, 20 квартирали, 2-3 хонали уйлар | | | Беш қаватли, уч подъездли, 30 квартирали, 2-3 хонали уйлар | | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | квартира | уй рақами | сони | квартира | уй рақами | |
| | **Самарқанд вилояти** | | **900** | **45** | **900** | | | | | |
| 117 | Паст Дарғом | Фурқат | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 11:00 |
| 118 | Паст Дарғом | Фурқат | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 11:00 |
| 119 | Паст Дарғом | Фурқат | 20 | 1 | 20 | 3 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 11:00 |
| 120 | Паст Дарғом | Фурқат | 20 | 1 | 20 | 4 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 11:00 |
| 121 | Пахтачи | Истиқлол | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 11:00 |
| 122 | Пахтачи | Истиқлол | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 11:30 |
| 123 | Жомбой | Узуновул | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 11:30 |
| 124 | Жомбой | Узуновул | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 11:30 |
| 125 | Жомбой | Узуновул | 20 | 1 | 20 | 3 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 11:30 |
| 126 | Жомбой | Узуновул | 20 | 1 | 20 | 4 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 11:30 |
| 127 | Нарпай | Нарпай | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 12:00 |
| 128 | Нарпай | Нарпай | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 12:00 |
| 129 | Нарпай | Нарпай | 20 | 1 | 20 | 3 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 12:00 |
| 130 | Нарпай | Нарпай | 20 | 1 | 20 | 4 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 12:00 |
| 131 | Иштихон | Шайхларкент | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 12:00 |
| 132 | Иштихон | Шайхларкент | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 12:30 |
| 133 | Иштихон | Шайхларкент | 20 | 1 | 20 | 3 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 12:30 |
| 134 | Қўшработ | Заркент | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 12:30 |
| 135 | Қўшработ | Заркент | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 12:30 |
| 136 | Қўшработ | Булоқбоши | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 12:30 |
| 137 | Булунғур | Ғўбдин | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 14:00 |
| 138 | Булунғур | Ғўбдин | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 14:00 |
| 139 | Булунғур | Ғўбдин | 20 | 1 | 20 | 3 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 14:00 |
| 140 | Каттақўрғон | Алишер Навоий | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 14:00 |
| 141 | Каттақўрғон | Алишер Навоий | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 14:00 |
| 142 | Каттақўрғон | Алишер Навоий | 20 | 1 | 20 | 3 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 14:30 |
| 143 | Нуробод | Наврўз | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 14:30 |
| 144 | Нуробод | Наврўз | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 14:30 |
| 145 | Пайариқ | Туркибола | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 14:30 |
| 146 | Пайариқ | Туркибола | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 14:30 |
| 147 | Пайариқ | Туркибола | 20 | 1 | 20 | 3 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 15:00 |
| 148 | Самарқанд | Паррандачилик | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 15:00 |
| 149 | Самарқанд | Паррандачилик | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 15:00 |
| 150 | Самарқанд | Паррандачилик | 20 | 1 | 20 | 3 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 15:00 |
| 151 | Самарқанд | Паррандачилик | 20 | 1 | 20 | 4 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 15:00 |
| 152 | Ургут | Мерганча | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 15:30 |
| 153 | Ургут | Мерганча | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 15:30 |
| 154 | Ургут | Мерганча | 20 | 1 | 20 | 3 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 15:30 |
| 155 | Ургут | Мерганча | 20 | 1 | 20 | 4 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 15:30 |
| 156 | Тойлоқ | Боғичинор | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 15:30 |
| 157 | Тойлоқ | Боғичинор | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 16:00 |
| 158 | Тойлоқ | Боғичинор | 20 | 1 | 20 | 3 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 16:00 |
| 159 | Оқдарё | Янгиобод | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 16:00 |
| 160 | Оқдарё | Янгиобод | 20 | 1 | 20 | 2 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 16:00 |
| 161 | Оқдарё | Янгиобод | 20 | 1 | 20 | 3 | | | | 2021 йил 30 апрель, соат 16:00 |

# ЭКСТЕРНАТ МАКТАБЛАРИ
## ташкил этилди

**Халқ таълими Вазирлигининг 2015 йил 13 апрелдаги "Экстернат тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 9-mh-сонли (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 11 майда 2670 рақам билан рўйхатга олинган), 2018 йил 15 ноябрдаги 13-mh-сонли "Экстернат тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги"ги буйруқлари ҳамда 2021 йил 1 мартдаги 02-02/2-638-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасининг 2021 йил 1 мартдаги 30-сонли буйруғи билан Самарқанд шаҳридаги 37-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби негизида 9-синф, 50-умумий ўрта таълим мактаби негизида 11-синф "Вилоят экстернат мактаби" этиб белгиланди.**

Низомнинг 5-бандида умумий ўрта таълим дастурларини давлат таълим стандарти асосида 9-синф доирасида мустақил ўзлаштирган ва тегишли йилда 16 ёшга тўладиган ҳамда ундан катта ёшдаги фуқаролар, умумий ўрта таълим дастурларини давлат таълим стандарти асосида 11-синф доирасида мустақил ўзлаштирган ва тегишли йилда 18 ёшга тўладиган ҳамда ундан катта ёшдаги фуқаролар қатнашиши мумкинлиги белгиланган.

**Низомнинг 8-бандига асосан экстерннинг аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

*- баҳолар (ўзлаштириш) табели (агар мавжуд бўлса);*

*- экстерннинг 3,5х4,5 см. ўлчамдаги 4 дона рангли фотосурати;*

*- паспорт нусхаси, экстерн паспорт олмаган бўлса, унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси (асли кўрсатилган ҳолда).*

Низомнинг 9-бандида экстерн томонидан барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда, бу ҳақда экстернларнинг аризаларини рўйхатга олиш дафтарига ёзиб қўйилиши белгиланган.

**Диққат:** қайд этилган мактабларда ҳужжатларни қабул қилиш 2021 йил 1 апрелдан бошланди.

**Мурожаат учун телефонлар: 37-ИДУМ** 66-233-07-15,
**50-умумий ўрта таълим мактаби** 66-222-45-24.

**Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасидан экстернат тартибида якуний аттестацияни ўтказиш учун масъул:** Абутолиб Кличов (Тел.: 66-238-88-04).

**Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасининг расмий каналлари:**
**Telegram:** t.me/samarqandvxtb
**Facebook:** www.facebook.com/SamarqandVXTB

# «SAMARQAND MULK MARKAZI»

**масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади**

**Савдога Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 85-"А" уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

**1) А/м. «NEXIA».** 2013 й. и/ч., д/б. 30 112 LAA, т/н. Б.б. – 33 183 000 сўм.

**2) А/м. «NEXIA».** 2013 й. и/ч., д/б. 30 049 MBA, т/н. Б.б. – 31 727 000 сўм.

**3) А/м. «NEXIA DONC».** 2013 й. и/ч., д/б. 30 142 MBA, т/н. Б.б. – 29 323 000 сўм.

**4) А/м «NEXIA».** 2013 й. и/ч., д/б. 30 069 MBA, т/н. Б.б. – 32 291 000 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 3 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашиналар 2021 йил 3 май куни сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 10 ва 17 май кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20208000804942465001, МФО: 00262, СТИР: 302129857.

**Савдо ўтказиладиган манзил:**
**Самарқанд шаҳри Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават.**
**Телефон: 66-233-80-13.**

*Гувоҳнома № 05496.*

**"Best Realtor" масъулияти чекланган жамияти Самарқанд минтақавий филиали томонидан 2021 йил 4 мартда ўтказилган**

# АУКЦИОН САВДОСИ НАТИЖАСИ:

«MAROQAND NEFT BAZASI» МЧЖга қарашли, Тойлоқ тумани Боғизоғон қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1000,0 кв.м., қурилиш тагидаги майдони 64,14 кв.м., фойдали майдони 46,43 кв.м.ни ташкил этган фермер хўжаликларига нефть маҳсулотлари тарқатиш шохобчаси бино ва иншоотлари (А литер оператор биноси, Б литер қоровулхона биноси, Г литер ҳожатхона). Бошланғич баҳоси - 136 955 000 сўм, сотилиш баҳоси - 175 355 000 сўм.

**ФИЛИАЛ МАЪМУРИЯТИ.**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда марҳум Бултаков Вайдуллога (2019 йил 30 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга мурожаат этишларини сўраймиз.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Маматкулов Ахрорга (2020 йил 17 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳатов Ўлмас Тўраевич нотариал идорасида марҳум Рузибоев Хуррам Полвоновичга (2021 йил 3 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳатов Ўлмас Тўраевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси, 26-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда марҳум Юнусов Напасга (2016 йил 13 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга мурожаат этишларини сўраймиз.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Раҳмонов Сарвар Неъматиллоевич нотариал идорасида марҳум Арифджанов Васифга (1989 йил 22 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳмонов Сарвар Неъматиллоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 60-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Муминова (ҳозирда Дусназарова) Камола Муминжоновна номига берилган U № 1690833 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нарпай туманидаги 43-ўрта мактабдан 1994 йилда Саттаров Махсудин Ғаниевич номига берилган А № 144879 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги "DARG'OM STROY" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 305436781) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Мухитдинова Малика Нажмиддин қизи номига берилган U № 4303157 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Хасанов Норшоди Шакирович номига берилган O'R-Z № 1263101 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«««« 4 апрель – Геология соҳаси ходимлари куни »»»»

# Уч мингга яқин кон ва ноёб маъдан аниқлаганмиз

**2018 йил 26 декабрда “Ўзбекистон Республикаси геология соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва апрель ойининг биринчи якшанбаси мамлакатимизда Геология соҳаси ходимлари куни этиб белгиланди.**



Геология соҳасига эътиборнинг кучайтирилиши бежиз эмас. Бугунгача геологларимиз томонидан 100 га яқин хомашё турларини ўз ичига олувчи 3000 га яқин кон ва истиқболли маъданлар аниқланди. Шундан 70 га яқин хомашё турлари саноат ва қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти минерал хомашё базасини мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришни, чет элдан валюта ҳисобига келтириладиган қисмини ўзимизда яратишни талаб этади. Бундай шароитда олдимизга замонавий илмий ғоялар асосида геология-қидирув ва конларни комплекс равишда ўзлаштириш (қазиб олиш техникаси ва технологияси, бойитиш ва қайта ишлаш) ишлари самарадорлигини оширишнинг янги услубларини яратиш ҳамда такомиллаштиришдек мураккаб ва масъулиятли вазифалар қўйилган.

Ингичка тажриба технология экспедицияси қазилма конларнинг технологиясини ўрганувчи асосий тажриба базаси ҳисобланади. Синов ўтказишдан олинган натижалардан геология қидирув ишларини техник иқтисодий асослашда, шунингдек, ўрганилган нодир, рангли, қора, камёб ва номаъдан қазилма конлари асосида саноат корхоналарини қуриш ва лойиҳалаш учун технологик регламентлар тузишда фойдаланилади.

Экспедиция ташкил бўлгандан (1973 йил) буён Ингичка тажриба технология экспедицияси базасида республикамиздан (олтин, кумуш, мис, темир, марганец, вольфрам ва бошқа), шунингдек, Россия (вольфрам таркибли Лермонтов кони, олтин таркибли Майский кони), Украина (олтин таркибли Береговский кони), Қозоғистон (барит таркибли Тюрюк кони), Тожикистон (олтин таркибли Покрут, Чоре ва Торор), Монголиядаги Уланский конидан жами 500 дан ортиқ турли маъдан намуналари лаборатория ва кичик саноат усулларида синовдан ўтказилди. Уларнинг барчаси бугун ишлаб чиқаришга жалб этилган.

Ўтган даврда бир қанча чет эл компаниялари билан ҳамкорликда синов ишлари ўтказилди. АҚШнинг “Ньюмонт ЛТД” компанияси билан ҳамкорликда Мурунтов карьери отқиндиларини ғарамлаб эритиш технологияси бўйича қилинган синов натижалари асосида “Зарафшан-Ньюмонт” қўшма корхонасига асос солинди. Англиянинг “Лонро” фирмаси билан ҳамкорликда ўтказилган синов натижалари бўйича “Амантайтау-Голдфилдс” қўшма корхонаси ташкил этилди. Шунингдек, Жанубий Африка Республикасининг “Дженкор” фирмаси билан ҳамкорликда олтин-сульфидли маъданларни биологик усулда бойитиш, Россиянинг “Тянь-шань тоғ-кон компанияси” ЁАЖ билан ҳамкорликда вольфрам таркибли техноген конларни синовдан ўтказиш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда ташкилотимиз камёб металлар технологиясини яратиш устида жиддий изланишлар олиб бормоқда. Яқиндагина кимё саноати, металлургия, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш саноати учун, шунингдек, ёқилғи-энергетика манбаи сифатида қаралаётган юқори истиқболли хомашё - ёнувчи сланецлар кичик саноат усулида муваффақиятли синовдан ўтди. Республикамизда миллиардлаб тонна захирага эга бўлган бу хомашё нафақат углеводородлар (нефть ва газ маҳсулотлари) манбаи, балки юқори металл ташувчанлиги билан чет эллардаги ёнувчи сланецлардан жуда катта фарқ қилади. Синов давомида ёнувчи сланец кулларидан бир нечта металларни ажратиб олиш мумкинлиги исботланди.

**Эшонқул ХУШБОҚОВ,**
**Ингичка тажриба технология экспедицияси бош технологи.**

«««« Мулоҳаза учун мавзу »»»»

**Чойхона ҳам ўзига хос қадрият. Ўтган аср охирларигача маҳалла ва гузарларда чойхоналар бор эди. Йўловчилар, мусофирлар, қишлоқ аҳли, кайвони отахонлар сўриларда бир пиёла чой устида гурунглашар, ҳордиқ чиқариб дам олишарди. Ижтимоий-маданий, маънавий ҳаётга доир янгиликлардан хабардор бўлишар, фикр-мулоҳазалар билан баҳам кўришарди.**

# Маҳаллангизда ЧОЙХОНА борми?



Эсимда, 70-йилларда Самарқанд шаҳрининг “Поворот” манзилида, Самарқанд туманининг собиқ Энгельс номли жамоа хўжалигига қарашли ҳаммом ёнида шинамгина чойхона бўларди. Ундан сал қуйироқда педагогика институти жойлашганди. Биз, сиртдан ўқиётган талабалар қишки сессияга чақирилганимизда шу чойхонада чойхўрлик қилардик. Дарс бошланишидан барвақтроқ келиб чойхонада тўхтардик. Бурчакда стол устида газета-журналлар тахлами бўлар, батареяли “52” радиодан куй-қўшиқлар таралиб, янгиликлар эшиттирилиб турарди. Озода яктак кийиб, белига шоҳи белбоғ ўраб олган истараси иссиқ чойхоначи бува дарҳол олдимизга чой-нон, қанд-қурс келтириб қўярди. Кўрпача тўшалган чорпояда эмин-эркин ўтириб, чойхўрлик қилиш ғоят гаштли эди.

Энди бунақа чойхоналар анқонинг уруғи. Борлари ҳам ошхона, майхонага айланган. Ҳеч кимга сир эмас, айрим маҳаллаларда бўлсангиз зериккан қариялар бўш вақтларини қаерда, қандай ўтказишни билмай, кўча-кўйда карта ўйнаб ўтирганини кўрасиз.

Мулоҳазамиздан муддао шуки, тобора обод бўлиб, ижтимоий мавқеи ошиб бораётган маҳаллаларда асрий чойхоналар тикланса, одамларнинг бўш пайтларида бир пиёла чой устида ширин суҳбат қуриб, ҳордиқ оладиган масканга айланса, нур устига аъло нур бўларди.

**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

# Юрт ишқида ёнган ижодкор

**Бу инсон ҳақида кўпчилик ёзган. Ёзилган мушоҳадаларда шоирнинг ижодий ютуқлари, ўзига хос характери, ҳаётидаги қизиқарли воқеалар, инсоний хислатларига гувоҳ бўласиз. Беихтиёр шоирнинг беғубор қалби, адабиётга ташналиги, одамларга кўмакка шайлиги, истеъдодига қойил қоласиз.**




Халқ шоири, салоҳиятли журналист, серқирра ижодкор Нормурод Нарзуллаев (Нарзий) ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшди, халқ дардини, туйғуларини қаламга олди. Унинг шеърлари, достонлари, таржималари йўқки, куйга солинмаган бўлса. “Ялла” ансамбли хонандаси Фаррух Зокиров ижросидаги “Юрт ишқида ёнаман” қўшиғи матни муаллифи ҳам айнан Нормурод Нарзуллаевдир. Бу қўшиқ ҳар биримизга ёд бўлиб кетишига қарамай, ҳар гал эшитганда қалбимизда Ватанга муҳаббат туйғуси мавжланади.

Нормурод Нарзуллаев 1934 йилда Қашқадарё вилоятининг Касби тумани, Хўжаҳайрон қишлоғида таваллуд топди. Қарши педагогика билим юртини тугатиб, Самарқандга ўқишга келди ва СамДУни имтиёзли диплом билан тугатди. Дастлаб Самарқандда “Зарафшон” газетаси, кейинчалик Қашқадарё вилоятининг қатор матбуот нашрларида фаолият юритди.

Шоир ижодий фаолиятини талабалик йилларидан бошлаган. Илк шеърий тўплами 1965 йилда “Суюнчи” номи остида чоп этилди. Кейинчалик бир қатор китоблари нашрдан чиқди.

Нормурод Нарзий асарлари чет эллик шеърият мухлисларига ҳам яхши таниш. Чунки унинг шеърлари инглиз, вьетнам, чех, немис, поляк, турк, ҳинд, испан, француз тилларига таржима қилинган.

“Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган қўлингиздаги китобда шоир, унинг ижоди ҳақида, сиз эшитган ва эшитмаган ижодкорнинг олами, характери замондошлари хотирасидан сўзлайди. “Нарзийнома” китоби ижодкорнинг 72 йиллик ҳаёт йўли, шеърлари, китоблари ҳақида маълумот беради.

**Мазкур китоб бутун умрини адолат байроғини баланд кўтаришга, халқимизга ҳуқуқий ёрдам беришга бағишлаган, Биринчи Президентимиз ёнида туриб, янги миллий демократик давлат қуришда астойдил хизмат қилган, прокуратура тизимини халқимизга хизмат қиладиган адолатпарвар органга айлантиришда бевосита раҳбарлик қилган инсон Бўритош Мустафоевнинг ҳаёт йўли ҳақида.**



# Умрим баёни...

Китобда дастлаб муаллиф ўзининг болалиги, оиласи, ҳаёт сўқмоқларида эришганлари, сабоқлари ҳақида ҳикоя қилса, иккинчи қисмида унинг ибратли ишлари ҳақида замондошларининг фикрлари берилган.

Бўритош Мустафоев ҳақида гапирсангиз нафақат самарқандликлар, балки барча юртдошларимиз ажойиб дўст, ташаббускор инсон, халқпарвар раҳбар сифатида хотирлайди.

Б.Мустафоевнинг олийгоҳда бирга таҳсил олган дўсти, юридик фанлари доктори Ҳалимбой Бобоев “Тошкент давлат университетининг юридик факультети деярли ҳамма соҳаларда етакчи бўлса-да, бироқ сон жиҳатдан талабалар кам қабул қилинарди. Шунгами, барчамиз бир-биримизни яхши танирдик. Талабалик йиллари комсомол комитетининг ташаббускорлигида факультетда жуда кўплаб тадбирлар амалга ошириларди. Бунда Бўритош энг ташаббускор ва фаол талаба сифатида иштирок этар, шу билан бирга аъло баҳоларга ўқир, жамоат ишларида ҳам бошқаларга ўрнак эди”, дея хотирлайди.

Прокуратура органларининг энг қуйи поғонасидан иш фаолиятини бошлаган бу инсон ҳалол меҳнатлари, билимдонлиги боис республика Бош прокурори лавозимигача бўлган машаққатли, аммо шарафли ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Муаллифнинг болалик хотиралари билан ўртоқ бўлар экансиз, у “Энг қадимги дунё тарихи” китобини ёд олгани, тенгдошлари ўйнаб юрганида қўлидан китоб тушмаганини айтади.

Бўритош Мустафоевнинг “Умрим баёни” китоби “Books publisher” нашриётида нашр этилди. У Абу Язид Бастомийнинг “Энг яхши кишининг икки қўли ҳам тўғри бўлади, у бир қўли билангина эмас, икки қўли билан яхшилик қилади”, жумлалари билан бошланган. Китобни мутолаа қилар экансиз, Бўритош Мустафоевни ҳам мана шундай энг яхши кишилардан бири бўлганига амин бўласиз.

**Насиба ЖОНТЎРАЕВА.**

# “Дунём менинг”




*Куз – бетакрор,*
*Қиш ундан узар,*
*Ёзга битса арзийди ғазал*
*Аммо бундай чирой кимда бор,*
*Латофатли баҳорим гўзал!*

Равон, дилбар туйғулар уйғунлашган мазкур сатрлар иқтидорли ижодкор, маҳоратли журналист Жамшид Носировнинг “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган “Дунём менинг” номли илк китобидан ўрин олган. Тўпламдаги шеърларда самимийлик, теранлик бор. Хусусан, меҳнат ва бахт, ота-онага иззат, вафо ва садоқат, табиат ва инсон мавзуларидаги шеърлар дилга яқин.

Китобнинг иккинчи қисмида муаллифнинг мушоҳадали мақолалари жой олган. “Мурувватни биздан ўрганишсин”, “Муштумзўрлар”, “Порахўрлик қувноқликми?”, “Табассум қани, жаноб бошлиқ?”, “Каттақўрғонлик бўлиш осонмас”, “Журналист демократ бўлмоғи шарт”, “Бош оғриқ дори қанча туради?” каби фельетон ва луқмаларда жамиятга ёт иллату қусурлар аниқ далиллар асосида қораланади.

Изланувчан қаламкаш Ж.Носиров – каттақўрғонлик. 2019 йилдан Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари вазифасида ишламоқда.

Яқинда Каттақўрғон шаҳар драма театрида “Дунём менинг” китобининг тақдимоти ўтказилди.

**Абдуазиз ҲОШИМОВ.**

**Яқинда фахрий ижодкор ўқитувчи Файзи Тошпўлатовнинг “Мактаб ҳақидаги хотираларим” китоби нашрдан чиқди.**

# “Мактаб ҳақидаги хотираларим”




Ф.Тошпўлатов ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида мактабда ёшларга таълим-тарбия берган. Муаллиф ушбу эсседа ўзининг педагогик фаолиятидаги хотиралари ва олган хулосаларини ёшларга ибрат сифатида таъсирчан баён қилган. Унда устоз ва шогирд муносабати ҳақида сўз боради, қолаверса, илм олиш инсон камолотининг асоси экани таъкидланган. Китобни ўқир экансиз, ўқитувчилик нечоғлик масъулиятли, машаққатли, шу билан бирга шарафли касб эканига ишонч ҳосил қиласиз.

# “Respublika yoshlar ovozi”dan gapiramiz

**Samarqand shahar ixtisoslashtirilgan san’at maktabida “Respublika yoshlar ovozi” festivalining viloyat bosqichi o‘tkazildi.**

Ikki yosh toifasida, ya’ni 5 yoshdan 15 yoshgacha bo‘lgan o‘g‘il-qizlar hamda 16 yoshdan 30 yoshgacha bo‘lgan yoshlar o‘rtasida o‘tkazilgan tanlovda 200 nafarga yaqin iqtidor egalari ishtirok etdi. Ular san’atning baxshichilik va an’anaviy ijro, opera, estrada yo‘nalishlarida o‘z mahoratlarini sinovdan o‘tkazdi.

Yakunda baxshichilik va an’anaviy ijro yo‘nalishida oqdaryolik Sarvar Sirliboyev va Kattaqo‘rg‘on shahrida yashovchi Xurshid Xoliyorov birinchilikni qo‘lga kiritdi. Opera yo‘nalishida Kattaqo‘rg‘on tumanidan kelgan Gulyora Rustamjonova hamda payariqlik Durdona Ahmedova, estrada yo‘nalishida esa toyloqlik Fariza Sayfiddinova va nurobodlik Alimardon Mo‘minovlarga g‘oliblik nasib etdi.

G‘oliblar tanlovning Qoraqalpog‘iston Respublikasi Bo‘zatov tumanida o‘tkaziladigan respublika bosqichida viloyatimiz sharafini himoya qiladi.

**Shahlo NE’MATILLAYEVA.**

**ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР**

**3 АПРЕЛЬ**

**Мамарасул БОБОЕВ – (1911–1969) Каттақўрғон шаҳрида туғилган, шоир.**




# Мустақиллик йиллари Самарқандда

**2000 йил, сентябрь**

Вилоят “Оналар ва болалар саломатлиги маркази” қошида Самарқанд ва Жиззах вилоятида яшовчи туғруқ ёшдаги аёллар ҳамда чақалоқлар саломатлигини назорат қилувчи “Она ва бола скрининг маркази” иш бошлади.

15 сентябрь куни Самарқанд туманидаги Мўлиён маҳалласида умумий овқатланиш ва тўй-маъракаларни ўтказишга мўлжалланган йирик маданий-маиший хизмат мажмуи фойдаланишга топширилди.

22 сентябрь куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Шариф Остонов Пайариқ тумани ҳокими этиб тайинланди.

Самарқанд тумани меҳнаткашлари қайта ишлаш корхоналари ва аҳолига 38634 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берди.

**октябрь**

Туркия Ташқи ишлар вазири Исмоил Жем республика Ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамроҳлигида Самарқанддаги “СамКоч-Авто” қўшма корхонасида бўлди.

Самарқанд давлат университетида “Компьютер алгебраси – илмий изланишда – CASC – 2000” мавзусидаги III халқаро илмий анжуман ўз ишини бошлади.

БМТ Бош котибининг муовини, БМТнинг наркотик моддалар назорати ҳамда жиноятчиликдан огоҳлантириш бўйича дастурининг ижрочи директори Пино Арлакки бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

**ноябрь**

17 ноябрь куни Самарқандда Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллик юбилейи муносабати билан Мотуридий мажмуасининг очилиш маросими ўтказилди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

18 ноябрь куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Абдумўмин Жўраев вилоят ҳокимининг агросаноат мажмуи масалалари бўйича биринчи ўринбосари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

**декабрь**

Вилоятда 435 минг 914 та хўжалик шахсий томорқага эга. 47 минг 62 гектар унумдор ва суғориладиган ер томорқа учун банд қилинган.

Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг республикада илк бор ташкил этилган Маънавият халқ университети фаолиятини бошлади.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самаркандский вестник» gazetalari tahririyati mas’uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

*Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 17 051 nusxada chop etildi. Buyurtma 242*

***Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.***



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E’LONLAR: (66) 233-91-56
BO‘LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug‘ Tursunov ko‘chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo‘limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.
Navbatchi: G.MO‘MINOVA.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X
9 772010 667009